

ФАРҒОНАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРА БОШЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12-13 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари иштирокида Фарғона шаҳрида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Фарғоналикларнинг тадбиркорлиги, миришкорлиги туфайли сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, охириги бир йилда 10 мингдан зиёд кичик корхоналар ташкил этилган. Экспорт ҳажми 44 фоизга ошиб, 801 миллион долларга етган.

Кувасой шаҳридаги “Кварц” корхонасида 70 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилига 22 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қўштепадаги “Глобал текстиль инфинити” корхонасида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 120 миллион евролик лойиҳа жадал

амалга оширилмоқда. Корхона тўртинчи чорақда ишга тушиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилади.

— Биз тўғри йўлни танлаб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу жойларда ўз натижасини беряпти. Фарғона вилояти 801 миллион долларлик экспорт қилган. Иш бошлаганимизда 50 миллион долларни мўлжаллар эдик. Ҳозир 1 миллиард доллар экспорт тўғрисида гаплашяпмиз. Бу — вилоят маҳсулотлари дунё бозорига рақобатбардош бўлиб кириб борапти, дегани. Бунинг учун ақл, билим, шижоат керак. Жорий йил якуни бўйича маҳаллий бюджетда 1 триллион сўм қолиши кутиляпти. Бунинг эвазига одамларга шароит, тадбиркорлик инфратузилмаси бўлади. Энди бу йўлни давом эттиришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари вилоятда

мутасаддилар иштирокида сайёр қабуллар ўтказилгани, уларда кўтарилган муаммоларнинг кўпи маҳаллий даражада эканига эътибор қаратди.

— Бу ерга келишдан олдин қабуллар ташкил қилдик. Аҳоли мурожаатларининг 45 фоизи жойида ҳал қилинган. Бу яхши ва биз бу амалиётни давом эттирамиз. Лекин савол туғилади: ҳоким, сектор раҳбарлари нима қилган? Бундай масъулиятсизлик, одамларни овора қилишга чек қўйиш керак, — деди Президент.

Аҳоли ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ҳар бир маҳалланинг ихтисослашуви ривожлантирилиши, жорий йилда 147 минг фуқаро бандлигини таъминлаш учун 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши айтилди.

— Ҳамма соҳада маҳалла ти-

зимининг ролини оширяпмиз. Маҳалла халқнинг фикри дегани, халқнинг истаги дегани. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратдик. Фарғона вилоятида 1062 та маҳалла бор. Ҳокимдан тортиб, маҳалла раисигача бирлашиб, тегишли ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг оғирини енгил қилиши керак. Фарғона бу масала бўйича ҳам намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда тадбиркорлар таянч эканини таъкидлади.

— Тадбиркорларга шароит яратсак, одамларга нафи тегади, ёшларни ўз ортидан эргаштиради. Тадбиркорни сийласак, у халқни сийлайди, — деди Президентимиз.

Вилоят тадбиркорларининг

183 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча 23 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа мутасаддилар ўз тизимини қўйи бўғинда ишлатиш бўйича халққа ҳисобот берди.

Вилоятда 2022-2023 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши қайд этилди. Бунда қимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари драйвер бўлади.

Қишлоқ хўжалигида 653 та лойиҳа амалга оширилиб, 23 мингта доимий иш ўрни яратилди. Олтиариқ, Фарғона ва Бағдод туманларида 1 минг 200 гектарда интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилиб, ташаббускорларга 10 йилда бўлиб тўлаш шарти билан ажратиб берилади.

Шунингдек, уй-жой ва йўллар қуриш, электр энергияси ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш бўйича режалар маълум қилинди.

— Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу эл тарихдан илм-фан, маданият, хунармандлик бўйича намуна бўлган. Фарғоналиклар меҳнатсевар, ишбилармон. Бу салоҳиятни, ички имкониятларимизни тўлиқ йўлга қўйиб, халқимизни рози қилиш керак.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида очилган қасб-хунарга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOICA билан шерикликда ташкил этилган ушбу мажмуада электроника, ахборот технологиялари, автомобилсозлик, тикувчилик, сартарошлик-косметология каби талаб юқори қасблар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Марказга барча замонавий ускуна ва жиҳозлар Жанубий Кореядан олиб келинган. Ўқув-машғулотлари ҳам ушбу мажмуада дастур ва қўлланмалари асосида ўтилади. Бунинг учун 5 нафар корейлик мураббий жалб этилган. Айни пайтда 240 нафар киши сабоқ олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўқув жараёнларини кўздан кечириб, ёшлар ва хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Ўқиш, изланишга ҳеч қачон кеч эмас. Келиб, қасб ўрганаётганингиз эртанги кунингизга беварққ эмаслигингиздан далолат. Бир оз қийин бўлар. Лекин ўзингизни, фарзандларингиз келажагини ўйласангиз, шунга кунт қилинг. Қийинчилик ўтиб кетади, сиз бойлик яратяпсиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари корейлик мураббийлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

Ҳозиргача мамлакатимизда бу каби марказлар Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бор эди. Фарғонада ташкил этилган янги марказ эса водий вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Узоқдан келиб қасб ўрганувчилар учун ётоқхона ҳам барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида “Янги Ўзбекистон” массивининг қурилиш майдонида бўлди.

300 гектарли ушбу массивда 298 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Шундан 80 таси бу йил тадбиркорлар томонидан барпо этилади.

Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим ташкилоти, тиббий ёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохбчалари, спорт мажмуаси ва масжид қурилади. 50 гектарда ташкил этиладиган кичик саноат зонаси аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Массив ўртасидаги 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ва сунъий қўл ташкил этилади. Ҳозирданоқ 10 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилган. Жами 21 минг туп экилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Фарғона туманининг Янги аср, Ёзёвон туманининг Оқори сойбўйи маҳаллаларида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади.

Жорий йилда Фарғона вилоятида жами 9 минг 429 квартиралари 244 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари ҳудудга коммуникация тармоқлари тортиши, уйларга замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ҚАРДОШЛИК ИЛДИЗИДАН КУЧ ОЛАДИ

Ашхобод шаҳрида бўлган Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги парламент делегацияси кеча Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашди.

Хамкорлик

Мулоқотда томонлар кейинги йилларда янги мазмун билан бойиб бораётган Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ижобий динамикасини мамнуният билан эътироф этдилар.

Ўз навбатида, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти мунтазамлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар давлатларимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистон ишлаб чиқарувчилари ўртасида саноат кооперациясини кенгайтиришга

кўмаклашиш мақсадида парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга ҳам қўшилиб олди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жумладан, бу йўналишда икки мамлакат аҳолиси учун муҳим бўлган қўшма тадбирларни ўтказиш амалиётини изчил давом эттириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон парламент делегациясининг Орқадөг, Туркменистон Миллий Генгеши Халқ Маслаҳати Раиси Г. Бердимухамедов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Нуктаи назар



ҒАЛЛА — МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ, ЭЛ РИЗҚИ

Сўнгги 35 йил ичида дунё аҳолисининг бугдойга бўлган талаби икки баробар ортиб, ғалла етиштириш миқдори 600 миллион тоннага етди. Ҳозирги вақтда дунё бўйича бугдой экиладиган дарагалар улуши бирча донли экинлар майдонида нисбатан 32 фоизни ташкил этади. Шунга қарамаздан, нуфузли халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра Ер қурутасида 1 миллиарддан зиёд одамлар очликдан азият чекмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, келгуси 20 — 25 йил давомида бугдойга бўлган эҳтиёж 40 фоизга ошади. Жорий йилда бу кўрсаткич 850 миллион тоннани ташкил этади. Мазкур талабни қондириш учун жаҳон бўйича бугдой ҳосилдорлигини янада ошириш тақозо этилади. Бундан кўринадики, келажақда жаҳонда озиқ-овқат танқислиги муаммосини ҳал этиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚЧИЛ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛИ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам оламшумул ислохотлар шиддат билан давом этаётир. Янгича ҳаёт, янгича нафас, юксак ободонлаштириш ишлари жуда ярашган Фарғона заминиди дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан ҳудудлараро инвестициявий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасида амалга ошираётган ишлар, айниқса, эътиборга молик.

Акс садо

Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида малака-хорижий мутахассисларнинг вилоятга жалб этилиши, ўзаро тажриба алмашинувининг йўлга

қўйилиши, фермерлар, чорвачилик, балиқчилик, боғдорчилик ҳамда деҳқончилик хўжалиқларини манзилли қўллаб-қувватлаш борасидаги Туркия тажрибаси ўрганилиши, бу — юксак элпарварлик, узоқни кўзлай билиш ва келажақ авлод учун қўлинаётган ғамхўрлик.

ЮРТИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг Коррупцияга қарши курашиш комиссияси бош комиссари Датук Сери Азам бин Баки бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот аввалида А. Саидов кейинги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ушбу жараёнларда Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг иштироки хусусида батафсил ахборот берди.

Делегация аъзоларига Президентимизнинг тақлифи асосида 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташкил этилгани, бугунги кунда қўмита коррупцияга қарши курашиш борасида парламентнинг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб 5 та йўналишда иш олиб бораётгани хусусида маълумот берилди.

МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ҚАРДОШЛИК ИЛДИЗИДАН КУЧ ОЛАДИ

Томонлар сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлиги жадаллашиб, икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлиги, муштарак тарихи ва маданияти ҳамда анъаналарига асосланган стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидладилар. Бинобарин, муносабатларимиз айнан шу муштараклик илдиэларидан куч олади.

Учрашувда Орқадот Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббусини юқори баҳолади. Негаки, бу маслаҳат учрашувлари мамлакатларимизнинг икки томонлама, минтакавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Қолаверса, ўзаро ҳамкорлиқнинг ушбу минтакавий механизми қанчалик муҳимлигини вақтнинг ўзи исботлади.

Шу муносабат билан томонлар олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан самарали парламент назорати муҳимлигига урғу қаратди. Хусусан, қонун чиқарувчи органлар имзоланган шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш,

улар ижроси устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш ва қонун ижодкорлиги юзасидан тажриба алмашиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни феолаштириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Г. Бердимухамедов давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда етакчи аёллар мулоқотини ташкил этиш фикри ўз вақтида билдирилган ташаббус бўлганини алоҳида таъкидлади ҳамда Ўзбекистоннинг 2021 йилда ундаги раислигини юқори баҳолади. Бу майдон гендер тенглик, хотин-қизларнинг оила, жамият ва давлат тараққиётидаги ўрни каби долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш учун улкан имконият яратди.

Учрашувда мамлакатларимизда ёшлар сисбатига қаратаётган улкан эътибордан келиб чиқиб, Ўзбекистон ва Туркманистон парламентлари ёш аъзолари ўртасида алоқани йўлга қўйиш ва феолаштириш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

АЁЛЛАР МУЛОҚОТИ ЯКУНИ БЎЙИЧА ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Ашхобода Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси аёллари мулоқотининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тараққиётда хотин-қизлар ролига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуман

Мажлисида Туркманистон Миллий Генгеши Межлиси Раиси Гулшат Маммедова, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші Раиси Талант Мамытов, Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко, Тожикистон Республикаси Мажлиси Миллий Мажлиси Олий Раиси Рустам Эмомали ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Форум давомида хотин-қизлар ўртасидаги конструктив мулоқотни мустаҳкамлаш, гендер тенглик ва аёлларнинг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш бўйича лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия парламентлари ўртасидаги шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз парламенти юқори

палатаси раҳбари Т. Норбоева ўз нутқида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳасида, шу жумладан, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳот ва саъй-ҳаракатларнинг ташаббускори эканини алоҳида таъкидлади. Пировардида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Опа-сингилларимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини, қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш юзасидан қўрилаётган аниқ чора-тадбирлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигида Республика комиссияси тузилган бўлиб, самарали фаолият олиб бормоқда. Айни чоғда Ўзбекистон хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таъйикдан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни назарда тутадиган барча асосий халқаро шартномаларга қўшилган. Жорий йилнинг февраль ойида эса мамлакатимиз БМТнинг

“Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси ижроси юзасидан олтинчи миллий маърузасини муваффақиятли қўриб чиқди.

Этиборлиси, бу масалалар Тараққиёт стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг асосий мақсадларидан бири — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини таъминлашдан иборатдир. Шуларга уйғун равишда Ўзбекистон парламенти юқори палатаси томонидан 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланган.

Тадбир иштирокчилари ташаббус ва таклифларни, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси аёллари мулоқотининг якуний декларациясини қўллаб-қувватлади. Ушбу ҳужжатда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни таъминлаш борасидаги асосий масалалар бўйича умумий ёндашулар ўз ифодасини топган.

Аёллар мулоқотининг бу галги учрашуви тавсиялари амалга оширилиши Марказий Осиё — Россия форматидagi кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

«Халқ сўзи».

МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Жорий йилнинг 13 май куні Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида ташқи қилинган Муқтақл Давлатлар Ҳамдўстлиги ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Ташқи ишлар вазирлиги ахборот хизмати томонидан маълум қилинишича, Қозоғистон Республикаси раислигида ўтказилган ушбу тадбирда Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Қирғиз Республикаси, Россия, Тожикистон ва Туркманистон Ташқи ишлар вазирликлари, шунингдек, МДҲ Иқтисодий қўмитаси делегациялари қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари халқаро кун тартиби ҳамда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари, шунингдек, МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарлари Кенгашларига киритиладиган кўп томонлама ҳужжатлар лойиҳаларини қўриб чиқдилар.

МДҲ иштирокчи давлатлари Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги шериклиқни феолаштириш бўйича Ҳаракатлар дастури ва Ташқи ишлар вазирликларию маслаҳатлашувлар режасининг 2021 йилдаги иқро натижалари тасдиқланди.

Эътиборли жиҳати, йиғилишда Самарқанддаги “Ипак йўли” халқаро туризм университетига — туризм соҳасида МДҲнинг таянч ташкилотлари макomini бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилиш давомида Ўзбекистон томони жаҳонда рўй бераётган воқеалар ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларнинг жадаллиги Ҳамдўстликни замонавий воқелика доимий мослаштириш борасида ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда Ҳамдўстликка раислик қилиш даврида қабул қилинган Ҳамдўстликни янада ривожлантириш Концепцияси ва МДҲ иқтисодий тараққиёт Стратегиясини амалда бажариш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг давом эттириш таклиф қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ҳамдўстлик саммитларида илгари сурилган МДҲ доирасидаги ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий жараёнларни либераллаштириш, таълим, фан, техника, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, фуқароларнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, шунингдек, анъанавий ва янги қақриқ ҳамда таҳдидларга қарши туришга қаратилган ташаббусларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борадаги аниқ қадамларни кенг муҳокама қилиш мақсадида МДҲ ҳамкорлари жорий йилда Ўзбекистонда ўтказиладиган саноят кооперацияси ва минтақалараро ҳамкорлик, ижодий ва илмий зиёлилар форумлари, шунингдек, Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияга таклиф этилди.

Йиғилиш якунида МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилишини 2022 йил 13 октябрда Нур-Султон шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Давлат дастурининг 41-банди ижроси бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Қонунчилик палатасида

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари ҳамда Девони ҳодимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили асосида давлат идоралари-

нинг аҳоли билан доимий мулоқотини йўлга қўйиш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан янги ва самарали тизим яратилди.

Президент Халқ қабулхоналари фуқароларнинг муурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож-

лантириш бўйича самарали ва таъсирчан тузилмага айланди. Натижада йиллар давомида ҳал этилмай келаётган қўллаб масалалар ўз ечимини топа бошлади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 41-бандида Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқий макomini такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Йиғилишда ушбу масала ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинар экан, Адлия вазирлиги томонидан 41-банд ижроси юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат



лойиҳаси ишлаб чиқилгани қайд этилди. Ушбу ҳужжатда Халқ қабулхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги макomini мустаҳкамлаш назарда тутилганлиги таъкидланди.

Сўз олганлар вазирликнинг берган ахбороти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, муносабатларини бил-

дирди. Давлат дастури ушбу бандининг ижросини белгиланган муддатда сифатли таъминлаш юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш сўнгига кун тартибидagi масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Инсон қадри улуг

ҲАР БИР МУРОЖААТ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Мамлакатимизда “Инсон қадрі ҳар нарсадан устун” тамойили асосида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасида янги механизм яратилди. Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан аҳоли муурожаатларини қўриб чиқиш, одамлар дарду ташвишини эшитиш ва уларни қийнаб келаётган муаммоларга қонуний ечим топиш мақсадида ўтказиб келинаётган учрашув ва сайёр қабуллар мисолида ҳам буни кузатиш мумкин.

Куні кеча парламент юқори палатаси Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Манзура Салимова бир гуруҳ фуқароларни қабул қилиб, уларнинг муурожаатларини тинглади. Янада аниқроқ айтсак, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган фуқаролар билан сўхбатлашган сенатор уларнинг муаммоларини теран ўрганди.

Мазкур муурожаатларнинг аксарияти тиббий хизмат учун моддий ёрдам олиш, дори-дармон билан таъминлаш, уй-жой хариди учун субсидия ажратиш ҳамда бандлик масалалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси мутасадди ташкилотлар кўмағида ҳал қилинадиган бўлди.

Умуман, қабул давомида 20 дан зиёд муурожаатлар ўрганилди ва уларнинг барчаси Сенат қўмитаси назоратига олинди.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

АДИБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда қуйи палата депутатлари, Ёшлар Парламенти аъзолари, адабиётшунос олимлар Н. Каримов, Ш. Ризаев, ёш шоира Ш. Латипова ҳамда Тошкент давлат санъат ва маданият институтининг магистрлари қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар бу йил шоир таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланишини, бу борада Президентимизнинг 2022 йил 10 февраль куні “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори имзоланганини таъкидлашди.

Шоир юксак қобилияти, ноёб истеъдоди, бетақор ижоди билан адабиёт оламига кириб келгани, у қисқа умри давомида Пушкин, Лермонтов сингари русийзабон шоирлар ижодидан қилган таржималари билан эътибор ва мавқе қозонгани, яратган шеърлари, достонлари ва таржималари билан ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўзининг бетақор ис-

теъдоди, юксак матонати ва халқпарварлиги билан ўзбек адабиётида ўнмас из қолдирган, мустабид тузум даврида сиёсий қатғорн қўрбони бўлган оташин шоир, таржимон ҳамда драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан биридир. Шоирнинг ёрқин хотираси, бой ва сермазмун ижоди бугунги ёшларимиз учун катта тарбия мактаби.

Шоирнинг лирик шеърлари (ва дostonларидagi мавзу, гоё ва лирик ҳақрамоннинг янгилиги, лирик ҳамда эпик манзараларнинг тасвирга тортилгани, поэтик интонация, ритм, вазн ва қофия масалалари бўйича олиб борган бадиий изланишлари ўзбек поэзиясида кескин ажралиб туришига асос бўлиб хизмат қилгани айтиб ўтилди.

Тадбирда депутатлар, ёш шоирлар Усмон Носир шеърляти, аввало, ҳаётийлиги, айнисса, содда ва равонлиги билан китобхон қалбидан чуқур ўрин олганини айтиб, шоирнинг ижодидан намуналар ўқишди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОДЕКСДА УЙ-ЖОЙ МАСАЛАЛАРИ ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси экспертлар гуруҳи мажлисида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси қўриб чиқилди.

Сенаторлар 1998 йилда қабул қилинган амалдаги Уй-жой кодекси нормалари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қолганини таъкидладилар. Хусусан, уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит тизими йўқлиги уй-жой сиёсатини амалга оширишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Табиийки, бу уй-жой соҳасидаги давлат бошқарувини қайта қўриб чиқишни ҳамда уй-жой сиёсатини тартибга солишнинг самарали механизmlарини жорий этишни тақозо қилмоқда.

Қайд этилганидек, шу туфайли амалиётда ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари ва замон талабларига жавоб бермайдиган нормаларни бекор қилиш, уй-жой муносабатларини тартибга солишни қонун ҳужжатлари нормаларини Уй-жой кодексида акс эттириш зарурати туғилди.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги кодексида уй-жой соҳасидаги муносабатлар тўлиқ тартибга солиниб, унинг фуқаролик қонунчилиги билан чегараси аниқ белгиланмоқда.

Бундан ташқари, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқи барча турдаги фуқаролик-ҳуқуқий битимлар оқлики вужудга келиши, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ў билан боғлиқ чекловлар ҳам назарда тутилмоқда.

Шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжи бўлган аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу тоифадаги фуқароларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш, ҳисобга олишни рад этиш асослари, тураржой масалалари бўйича комиссиялар фаолияти ва тураржой билан таъминлашга оид қондалар аниқ қилиб белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Уй-жой кодекси қабул қилиниши ҳисобига уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши таъминланади, бу борада давлат назорати ўрнатилди, давлат ва жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бўзиш ишларини амалга ошириш тартиби янада такомиллаштирилди. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишида қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этиш билан боғлиқ масъулиятини ошириш ва уй-жой объектларини қуришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш имкони пайдо бўлади.

Мажлис якунида экспертларнинг қонун бўйича тавсиялари тайёрланиб, Сенат қўмитасига тақдим этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ЮРТИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Шунингдек, мамлакатимиз парламентининг қонунчилик фаолияти, норма ижодкорлиги, қўмита ва фракциялари иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўз навбатида, малайзиялик меҳмонлар Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганини эътироф этиб, ўз мамлакатидида бу борадаги тажриба ва амалиёт, хусусан, коррупцияга қарши курашиш механизмлари, соҳада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб бориш масалалари юзасидан маълумот бериб ўтди.

Сўхбат давомида томонлар коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришнинг бугунги кундаги зарурати юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Самимий ва конструктив руҳда ўтган учрашувда яқин истиқболда аниқ соҳа ҳамда йўналишлар бўйича икки давлат вакиллари учун манфаъати ва аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор келишувларга эришилди.

«Халқ сўзи».

технологиялар марказларининг мавжудлиги ҳам юксалиб бораётган турмушимиздан далolat.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимининг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир. Бугун наинки халқимиз, балки дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг халқлик ва истиқболли янги йўли бераётган натижаларга гувоҳ бўлиб турибди. Шу маънода, улуг мақсадлар билан Ўзбекистон эртасини қураётган ватандошларимиз, меҳнатсевар фарғоналиклар кўзида ҳаётдан розиликни, янги ислохотлар ташаббускори бўлган Президентимизга нисбатан юксак ишончини кўрамай, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Баҳоидиржон ШЕРМУХАММАДОВ, Фарғона давлат университетини ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

